ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯ ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ИННОВАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ
JOURNAL OF INNOVATION IN ECONOMICS

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ ВА АУДИТОРЛИК ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Уразов Комил Бахрамович,
и.ф.д., проф.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Боронов Бобур Фарходович,
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти таянч-доктаранти
Абдурасулов Жамшидбек Ахмад уғли,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
3-Босқич талабаси

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2019-4-7

For citation: Urazov Komil Bakhramovich, Boronov Bobur Farkhodovich, Abdurasulov Jamshidbek Axmad ug'li. Auditing inspections and audit evaluation problems in the business subjects. Journal of innovations of economy. 2019, vol.4. PP.65-69.

Аннотация: мақолада аудиторлик текширувлари ва хизматларининг мазмун ва аҳамияти ифодаланган. Аудиторлик текширувлари ва аудиторлик таҳлилининг ўзаро ўхшашлилиги, фарқлари илмий жиҳатдан асосланган. Ушбу мақолаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва махсус адабиётлар илмий таҳлил қилиниб, асосли хулосаларга келинган ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик текшируви, аудиторлик хизмати, аудиторлик таҳлили.

АУДИТОРСКИЕ ИНСПЕКЦИИ И ПРОБЛЕМЫ ОЦЕНКИ АУДИТА В БИЗНЕС-СУБЪЕКТАХ

Уразов Комил Бахрамович,
Профессор Самаркандского института
Экономика и Сервиса
Боронов Бобур Фарходович,
Доктарант Самаркандского института
Экономика и Сервиса
Абдурасулов Жамшидбек Ахмад угли,
Студент 3-го курса Самаркандского института
Экономика и Сервиса

Аннотация: В статье изложены понятия аудит, аудиторская проверка, аудиторские услуги, взаимосвязь и различие аудиторских проверок и аудиторского анализа. По результатам исследования обоснованы выводы и разработаны рекомендации.

Ключевые слова: аудит, аудиторская проверка, аудиторские услуги, аудиторский анализ.

AUDITING INSPECTIONS AND AUDIT EVALUATION PROBLEMS IN THE BUSINESS SUBJECTS

Urazov Komil Bakhramovich,
Professor at Samarkand Institute
of Economy and Service
Boronov Bobur Farkhodovich,
1rd year base-doctor of Samarkand Institute
of Economy and Service
Abdurasulov Jamshidbek Axmad ug'li,
3rd year student of Samarkand Institute
of Economy and Service

Abstract: The significance and maintenance of audit check and service were expressed in this article. It is based scientificly that there is likeness and difference between audit check and audit analysis. Legal – limited documents and special sources connected to this article were scientificly analysed, basically concluded and recommended.

Key words: audit, audit check, audit service, audit analysis.

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бири бу мулкдорлар синфини шакллантириш ва уни янада ривожлантириш ҳисобланади.

Республикамизда мулк шакллари кўпайиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг асосий таянчига айланиб бормоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарор ўсишини таьминлаш туфайли кичик бизнес субъектларининг мустақил фаолият олиб боришларига барча имкониятлар яратилмоқда. Бугунги кунда, ушбу субьектлар учун маьлум имтиёзлар белгиланган, улар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Тадбиркорлик субъектларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, уларга аудиторлик хизматларини кўрсатиш масалалари ўта долзарб ҳисобланадидан ҳисобланади. Аудиторлик хизматлари хўжалик юритувчи субьектлар олдидаги муаммоларни ижобий ҳал қилинишига қаратилган. Шулардан келиб чиқиб корхоналар, шу жумладан кичик бизнес субьектлари учун аудиторлик текширувлари ва таҳлилини ташкил қилиш масалалари ҳам долзарб ҳисобланади. Шуни ҳам эьтироф этиш керакки, аудиторлик таҳлили масалалари махсус адабиётларда тўлиқ ўз ифодасини топмаган.

Асосий қисм

Аудиторлик таҳлили жараёнида корхонанинг фаолияти аудиторлар томонидан батафсил ўрганилиб чиқилади. Бунда хўжалик субъектлари фаолиятига оид кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини ифодаланган бўлиши керак.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, меьёрий ҳужжатлар ва махсус адабиётларда аудиторлик таҳлилининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари ва обьектлари тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Бунинг натижасида аудиторлик текширувлари ва аудиторлик таҳлилининг мақсад ва вазифалари, предмети ва обьектлари иқтисодий таҳлилнинг мақсад ва вазифалари, предмети ва обьектлари билан чалкаштирилмоқа. Аудит ва иқтисодий таҳлил алоҳида фанлар сифатида ўзларининг предметлари ва обьектларига эга. Аудит, аудиторлик текшируви ва аудиторлик таҳлилининг предмети, бизнинг фикримизча корхоналар фаолиятидаги жараёнларнинг қабул қилинган қонун-қоидаларига тўлиқ амал қилинган ёки қилинмаганлигини аниқлашдан иборат. Иқтисодий таҳлилининг предмети эса, хўжалик юритувчи субьектлар фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар, уларга таьсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисобланади. Аудиторлик таҳли-

лининг предмети, ўз навбатида аудиторлик текширувининг мақсад ва вазифалари, предметидан келиб чиқади.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятида содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бошқа фанлар (статистика, менежмент, маркетинг, молиявий ҳисоб, ҳисоби ва ҳ.к.) орқали ҳам ўрганилади. Аудиторлик текшируви ва аудиторлик таҳлили орқали эса, ушбу жараёнларнинг қабул қилинган қонун мезонларига мослиги ўрганилади. Аудиторлик текширувлари ва аудиторлик таҳлилининг асосий ахборот манбаси корхоналарнинг "Молиявий ҳисоботи" ҳисобланади. Иқтисодий таҳлилда эса статистика, бухгалтерия ҳисоби, "бизнес-режа" маьлумотларидан ва икки томонлама тузилган шартномалардан кенг фойдаланилади.



1-расм. Аудиторлик текшируви ва аудиторлик таҳлилининг объектлари.

Аудиторлик таҳлили иқтисодий таҳлилдан фарқли ўлароқ, фақатгина хўжалик фаолиятини эмас, балки ушбу фаолиятнинг ҳисоб ва ҳисобот қонунлари (низомлари) талабларига мослигини аниқлайди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, аудиторлик таҳлилининг предметига қуйидагича таьриф бердик: Аудиторлик таҳлилининг предмети - бу хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳисоб ва ҳисоботда қабул қилинган қонун-қоидалар талабларига мос

келишини аниқлаш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ва уларнинг натижасида асосли хулосаларга келишдир.

Аудиторлик текшируви ва аудиторлик таҳлилининг самарадорлиги уларнинг обьектларига бевосита боғлиқ. Ушбу обьектларни қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм):

Аудиторлик текширувлари ва аудиторлик таҳлили обьектлари илмий жиҳатдан тўлиқ асосланган бўлиши ва аудиторлик текшируви режалари ҳамда дастурларига киритилган бўлиши керак. Аудиторлик текшируви ва аудиторлик таҳлили натижасида корхоналарда хўжалик жараёнларининг тўғри амалга оширилганлиги, эришилган натижаларнинг қонунийлигига алоҳида эьтибор берилади.

References

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”-ги қонуни (17-модда), 2000 йил 26 май (кейинги қўшимча ва ўзгаришлар билан). (The Law of the Republic of Uzbekistan "On auditing activities" (Article 17), May 26, 2000 (with subsequent amendments and additions).

2. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)»ги Қонун, 2-модда, 2000 йил 26 май. (The Law of the Republic of Uzbekistan "On Auditing Activity (New Revision)", article 2, May 26, 2000.)

3. Тўлахўжаева М.М. Молиявий аҳволнинг аудити. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996, 96-б. (Tulunojayeva M.M. Audit of financial position. -T .: Publishing house "Economy and the World of Law", 1996, 96 p.)

4. Подольский В.И., Поляк Г.Б., Савин А.А. и другие. Аудит.Учебник. – М.: ЮНИТИ, 2000, с.7. (Podolsky V.I., Polyak G.B., Savin A.A. and others. Audit.Tutorial. - M .: UNITI, 2000, p.7.)

5. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Маьруза матнлари тўплами, II қисм. – Самарқанд, СамИСИ, 2004, 141-бет.(Urazov K.B. Accounting and audit. Collection of texts of lectures, Part II. - Samarkand, SamISI, 2004, p. 141)

6. Тўлахўжаева М.М. Молиявий аҳволнинг аудити.-Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1996, 94-б. (Tulunojayeva M.M. Audit of financial position. T .: Economic and legal world, 1996, p. 94.)

7. Абдуллаев Р. Бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие.-Т.: “Иқтисод-молия”, 2010. с. 362. (Abdullaev R. Accounting and audit. Textbook.-T .: “Iqtisod-Moliya”, 2010. p. 362.)

8. Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.-Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003, 16-б. (Dostmuratov R.D. Basis of Audit. Textbook: "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2003, p. 16.)